Республикамизнинг иқтисодий салоҳияти, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотнома

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, халқимиз давлатчилиги тарихи, миллий қадриятлар ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ислоҳ қилиш ва ривожлантириш миллий моделига ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта асосий тамойили асос қилиб олинди.

Ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш «ўзбек модели»нинг асосий тамойиллари

Биринчи тамойил: Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, бу шуни англатадики, иқтисодий ислоҳотлар ҳар қандай ақидалар ва эскирган андозалардан ҳоли бўлиши ва қандайдир мафкурага бўйсунмаслиги лозим.

Иккинчи тамойил: Давлат – бош ислоҳотчи, у ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишлари ва босқичларини белгилаб бериши ва уларни ҳаётга изчил татбиқ этиши шарт.

Учинчи тамойил: Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлиги. Демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларга истисносиз барча риоя қилиши шарт.

Тўртинчи тамойил: кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтнинг ўзида аҳолининг, айниқса кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг, пенсия ёшидаги инсонларнинг ишончли ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирларни қўллаш зарур.

Бешинчи тамойил: Бозор муносабатларига ўтиш объектив иқтисодий қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда, изчил, чуқур ўйлаб, босқичма-босқич эволюцион йўл билан амалга оширилади.

Ривожланишнинг «ўзбек модели» деб ном олган жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш моделининг амалга оширилиши тарихан қисқа муддатларда иқтисодиётнинг таркибини тубдан ўзгартириш, макроиқтисодий мувозанатни ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини берди.

ЯИМнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)



Инфляция даражаси (ўтган йил декабрь ойига нисбатан фоиз ҳисобида)



Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришган вақтдан буён мамлакат ЯИМининг ҳажми харид қилиш қобилиятининг паритети бўйича қарийб 4,5 марта ошди, шу билан бирга, сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари камида 8 фоизни ташкил қилмоқда.

Бюджет сальдоси (ЯИМга нисбатан фоиз **ҳисобида)**



1991-2013 йилларда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 3,7 марта ошди ва охирги 10 йилда саноат ўсишининг ўртача йиллик суръатлари ЯИМнинг ўсиш суръатларига қараганда илгарилаб, 9,4 фоизни ташкил қилмоқда.

Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)



2000-2013 йилларда ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 14,2 фоиздан 24,2 фоизгача ўсди, бунда саноатнинг таркиби сезиларли даражада диверсификация қилинди, бу саноатда хомашёга йўналтирилишдан ички ва ташқи бозорда талаб этилган тайёр товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ҳисобланади.

Шу билан бирга, ушбу даврда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўсишининг юқори суръатлари (ҳар йили ўртача 6,1%) сақлаб қолинган ҳолда ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 30,1 фоиздан 17,6 фоизгача камайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг таркиби, фоиз ҳисобида



2013 йилда саноатнинг тармоқ таркиби, фоиз ҳисобида



Ўзбекистон мустақиллик йилларида мамлакатимизда саноатнинг автомобилсозлик, нефть-газ-кимё, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўқимачилик каби мутлақо янги тармоқлари барпо этилди.

Асака ва Питнак шаҳарларида «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар, Самарқандда «Исузу» автобуслари ва «МАН» компанияси билан ҳамкорликда юк автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича янги заводлар ишга туширилди.

Нефть-газ-кимё тармоғида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ва бир қатор бошқа юқори технологияли ишлаб чиқаришлар қурилди.

Шу билан бирга Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришлар самарадорлигини оширишга доир дастурий чора-тадбирлар фаол амалга оширилмоқда, улар натижасида 2000-2013 йилларда меҳнат унумдорлиги 2,1 марта ошиб, иқтисодиётнинг энергия сарфи 3,2 мартага қисқарди.

Саноат тармоқларининг ўсиш суръатлари, (фоиз)
(1990 й. = 100 фоиз)

	1990 г	**2000 г**	**2013 г.**
Саноат - жами	100	123,6	в 3,7 р.
Электр энергетикаси	100	78,9	85,4
Ёқилғи саноати	100	127,3	в 2,4 р.
Қора металлургия	100	58,8	в 1,8 р.
Рангли металлургия	100	87,7	100,9
Кимё ва нефть-кимё саноати	100	101,6	в 3,6 р.
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш	100	142,2	в 18,5 р.
Ўрмон, ёғочга қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	100	248,4	в 19,8 р.
Қурилиш материаллари саноати	100	58,4	в 1,9 р.
Енгил саноат	100	159,2	в 5,0 р.
Озиқ-овқат саноати	100	150,0	В 7,5 р.
Бошқа тармоқлар	100	162,6	в 7,0 р.

Фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши, саноат тармоқлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг техник модернизация қилиниши иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга хизмат қилди.

Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоиз ҳисобида



Бизнес юритиш учун қулай муҳит, хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар кенг тизими, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш яхлит тизими мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини оширишга ёрдам берди.

2013 йилда мамлакат иқтисодиётига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ЯИМга нисбатан 24,1 фоизни ташкил этди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг 20 фоизидан кўпини 2,6 миллиард доллар умумий қийматдаги хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил қилди, шунинг 78 фоизидан кўпи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон экспортининг таркиби сезиларли даражада ўзгарди, экспорт монокультураси – пахтага боғлиқликка барҳам берилди, унинг улуши 59,7 фоиздан 8 фоизгача камайди, ташқи савдо жуғрофияси тубдан ўзгарди, бу мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш имконини берди.

Масалан, 1990-2013 йилларда Ўзбекистондан маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 35,2 марта ошди, бунда кейинги 13 йил мобайнида савдо балансининг мусбат сальдоси барқарор таъминланмоқда.

Биргина сўнгги ўн йил ичида юқори қўшилган қийматли маҳсулот, хусусан, автомобиль экспорт қилиш ҳажми 11,6 марта, йигирилган ип экспорт қилиш ҳажми 4,1 марта, трикотаж полотно экспорт қилиш ҳажми 114,8 марта, ўғитлар экспорт қилиш ҳажми 11,3 марта ошди.

Экспортнинг товар таркиби, % ҳисобида

	1990 й.	2013 й.
Пахта толаси	**59,7**	**7,5**
Озиқ-овқат маҳсулотлари	**3,9**	**9,5**
Кимёвий маҳсулотлар	**2,3**	**3,9**
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	**17,1**	**30,1**
Қора ва рангли металлар	**4,6**	**6,1**
Машина ва асбоб-ускуналар	**1,7**	**5,3**
Хизматлар	**1,3**	**18,9**
Бошқалар	**9,4**	**18,7**

Агар 1990-йилларнинг бошида республикамиз ташқи савдоси фақат МДҲ мамлакатлари билан амалга оширилган бўлса, бугунги кунда ташқи савдонинг 40 фоизидан кўпи Осиё мамлакатлари, 15 фоизи Европа мамлакатлари билан амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида темир йўл алоқасини модернизация қилиш ва ривожлантириш юзасидан кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилди.

Янги темир йўллар, шу жумладан Навоий – Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус йўналиши бўйича Амударё дарёсидан ўтувчи 342 км узунликдаги, Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон йўналиши бўйича денгиз сатҳидан 1500 метр баландликдаги тоғли довон орқали ўтиб, Афғонистоннинг шимолий чегараларига чиқувчи 223 км узунликдаги янги темир йўл қурилди.

345 км узунликдаги Тошкент – Самарқанд, 66 км узунликдаги Тошкент – Хўжакент ва 115 км узунликдаги Тўқимачи – Ангрен темир йўл линиялари электрлаштирилди. 2011 йилда Тошкент – Самарқанд йўналиши бўйича «Talgo-250» замонавий қулай поездлари негизида «Афросиёб» юқори тезликка эга йўловчи поезди фойдаланишга топширилди.

2013 йилда трансмиллий транспорт коридорини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган 19 км узунликдаги ер ости йўли қурлишини ўз ичига олган 125 км узунликдаги Ангрен-Поп янги электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошланди.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши доирасида сўнгги йилларда қарийб 2 минг км автомобиль йўллари, шу жумладан Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи 1,5 минг км участка қурилиб, реконструкция қилинди.

Фарғона водийсини мамлакатимизнинг марказий қисми билан боғловчи иккита ер ости йўли қурлишини ўз ичига олган Қамчиқ довони орқали ўтувчи энг юқори халқаро талабларга жавоб берадиган автомобиль йўли фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 20 дан ортиқ халқаро транспорт коридорлари ишлаб турибди, шундан 2 та йирик халқаро автомобиль йўли Ғарбий Европа давлатларини Шарқий Осиё мамлакатлари билан боғлайди.

Ўзбекистонда ҳаво транспортини ривожлантириш ва янгилаш доирасида Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш мажмуи барпо этилиб, аэропортлар реконструкция қилинди, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида МДҲда ҳаво ҳаракатини бошқаришнинг энг яхши тизимларидан бири сифатида эътироф этилган навигация тизими такомиллаштирилди. Бугунги кунда самолётлар паркидан фақатгина «Boing» ва «Airbus» каби жаҳонда етакчи ҳисобланган ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий ҳаво кемалари жой олган. Бортига Ўзбекистон байроғи ўрнатилган самолётлар Европа, Осиё ва Шимолий Американинг 40 дан ортиқ мамлакатига парвоз қилмоқда.

ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши (фоиз ҳисобида)



Мустақиллик йилларида хизматлар кўрсатиш соҳаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг энг истиқболли ва жадал ривожланувчи тармоғига айланди. Агар 2000 йилда ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 37,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йил якунларига кўра бу кўрсаткич 53 фоизга тенг бўлди.

Шу билан бирга, мазкур йилларда мобил алоқа ва ахборотлаштириш, компьютерда дастурлаштириш хизматлари, консалтинг, юридик ва аудиторлик хизматлари, риэлтерлик ва брокерлик хизматлари, хусусий тиббиёт, автосуғурта, технологик асбоб-ускуналар сервиси ва уларни таъмирлаш каби замонавий хизматлар турлари, молиявий хизматларнинг янги турлари, шу жумладан лизинг, электрон банкинг ва ҳоказолар пайдо бўлди ва бугунги кунда уларнинг кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 20 фоиздан кўпни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тарихий обидалар сони бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб туриш билан бирга, улкан меърос – Буюк ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган кўп асрлик тарих ва маданиятни акс эттирувчи 4 мингдан ортиқ тарихий-меъморий ёдгорликларга эга.

Самарқанд, Бухоро, Ҳива, Шаҳрисабз, Қўқон каби тарихий ёдгорликларга бой шаҳарлар бутун жаҳонга машҳур. Бу азим шаҳарлар бетакрор тарихий қиёфаси билан ҳар қандай одамни ўзига жалб этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг бетакрор тарихий, архитектуравий тизимлари ва ёдгорликлари билан таништиришга йўналтирилган, Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари бўйлаб юздан ортиқ сайёҳлик йўналишлари ташкил этилган бўлиб, бу тарихий объектларнинг 140 таси ЮНЕСКО ташкилоти томонидан муҳофазага олинган.

Мамлакатимизда 348 та туристик фирма ва ташкилот фаолият кўрсатиб турибди, кўплаб тарихий обидалар, архитектура ва меъморчилик ёдгорликларини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналишлари, шу жумладан тарихий-маданий мерос объектлари бўйича 65 та, табиий-рекреацион йўналиши бўйича 30 та ва соғломлаштириш туризми бўйича 15 та экологик йўналиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда халқаро тоифадаги қулай меҳмонхоналар тармоғи яратилган. 24 миннгдан ортиқ ўринли 470 тадан ортиқ меҳмонхона, мотел ва кемпинг туристларга халқаро стандартларга мувофиқ хизматлар кўрсатмоқда. Ўзбекистон меҳмонхоналари орасида энг машҳур меҳмонхоналар мажмуалари бўлмиш Radisson SAS, Dedeman Hotels & Resorts ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳар оқшом 36 та профессионал театр, жумладан А.Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ташриф буюрувчиларни ўзига чорлайди. Ҳар йили мусиқали ва театр фестиваллари ўтказилади. Шунингдек, бўш вақтда спорт билан шуғулланиш учун

барча шарт-шароитлар яратилган – гольф ва боулинг-клублар, кўп сонли фитнес-марказлар, бассейнлар ва кўплаб бошқа иншоотлар барпо этилган.

Жорий йилнинг октябр ойида уч минг йиллик тарихга эга, азалдан илм савдо-сотиқ, маданият, ҳунармандчилик тараққий этган, бутун ер юзидан олиму алломалар, сайёҳу савдогарлар интилган Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99-сессиясининг ўтказилиши ҳам бугунги кунда сайёҳлик соҳасида Ўзбекистон нуфузининг янада ортиб бораётганига далолатдир.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланган вақтдан эътиборан кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш кўпукладли бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосига айланди.

Кичик бизнес улуши (фоиз ҳисобида)

	2000 й.	2013 й.
ЯИМда	31,0	55,8
саноатда	12,9	28,1
курилишда	38,4	71,5
товар айланмасида	42,5	46,1
умумий бандликда	49,7	76,7
экспортда	10,2	24,1

2000-2013 йилларда ЯИМ таркибида кичик бизнеснинг улуши 31 фоиздан 55,8 фоизгача, саноатда 12,9 фоиздан 28,1 фоизгача, қурилишда 38,4 фоиздан 71,5 фоизгача, экспортда 10,2 фоиздан 24,1 фоизгача ошди.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес Ўзбекистонда меҳнатга жалб қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг асосий соҳаси ҳисобланиб, республикамиз барча банд аҳолисининг 76,7 фоизини иш ўринлари билан таъминлайди.

Сўнгги йилларда солиқ солишнинг муқобил тизими шакллантирилган бўлиб, бунинг натижасида умумий солиқ юки 3 марта камайди. Бунда давлат томонидан экспортчи корхоналарга, кичик бизнес субъектларига ҳамда инвестицияларни амалга оширувчи ва маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштирувчи корхоналарга қўшимча имтиёзлар берилган.

Хусусан, кичик бизнес субъектлари солиқларнинг барча қолган турлари ўрнига ягона солиқ тўловини амалга оширади, унинг ставкаси фаолият турига қараб 5-6 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги экинларининг деярли барча асосий турларини етиштириш учун ажойиб табиий-иқлим шароитларига эга. Республикамизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ажойиб таъм ва истеъмол хусусиятларига эга бўлиб, у қадимдан бутун жаҳонга машҳур.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан қисқа муддатларда мамлакатнинг ғалла ва умуман озиқ-овқат мустақиллигига эришиш, аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш стратегик мақсади қўйилди.

Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш учун пахта экин майдонлари 2 марта қисқартирилди, бўшатилган майдонларда эса озиқ-овқат экинлари, шу жумладан, ғалла, мева-сабзавот, картошка, узум, полиз ва озуқа экинлари етиштирила бошлади.

Натижада мустақиллик йилларида ғалла экинлари етиштириш 1 млн. тоннадан 8 млн. тоннагача, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш 4 млн. тоннадан 16 млн. тоннагача ошди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти умумий ҳажмида пахтанинг улуши ҳозирги вақтда 9 фоиздан ошмагани ҳолида, бунда ғалла экинлари улуши 8,5 фоизни, мева-сабзавот экинлари ва узумнинг улуши 30 фоизни, картошка 11 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 40 фоиздан кўпни ташкил қилмоқда.

Мамлакатимизда умумтаълим мактабида 9 йиллик ўқишдан кейин 3 йил мобайнида махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни назарда тутувчи 12 йиллик узлуксиз умумий мажбурий бепул таълим тизими яратилган, у ерда ҳар бир ўқувчи меҳнат бозорида талаб этилган 2-3 та мутахассислик бўйича касбий тайёргарликка эга бўлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши доирасида 1997 йилдан бошлаб 1612 та янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежи барпо этилиб, 4,6 мингдан ортиқ умумтаълим мактаби реконструкция қилинди ва янгидан қурилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 260 минг нафарга яқин талабани ўз бағрига олган 66 та олий ўқув юрти, шу жумладан Халқаро Вестминстер Университети, Турин политехника институти, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент шаҳридаги Инха Университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат Университети, М.И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети каби нуфузли хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият кўрсатиб турибди.

Соғлом ёш авлодни тарбиялаш ва мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини ташкил этиш учун республикамизда 584 та спорт-таълим муассасаси, 211 та мактабдан ташқари муассаса - "Баркамол авлод", 298 та болалар мусиқа ва санъат мактаби ташкил қилинган бўлиб, уларда 500 минг нафардан ортиқ болалар ва ўсмирлар қўшимча таълим олишмоқда.

1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури мамлакатимизда бутун тиббиёт тизимини тубдан қайта қуриш, кўп сарф-харажат талаб этадиган ва ҳамма вақт ҳам самарали бўлмаган стационар тиббий ёрдамдан амбулотор-поликлиника ва профилактика тиббиётига устувор аҳамият беришга ўтишда муҳим омил бўлди. Шунингдек, қишлоқ жойларида яхши самара бермаётган фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.

Аҳолини сифатли ихтисослашган тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида республика ихтисослашган тиббиёт марказлари фаолият кўрсатиб турибди.

Йодланган туз ишлаб чиқаришнинг кенг ёйилиши ва унни бойитиш дастурларининг амалга оширилиши, аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларининг олиб борилиши натижасида йод танқислиги, темир ва фолий кислотасининг етишмаслиги билан боғлиқ касалликлар тарқалиши охирги ўн йил ичида 2 мартадан кўпга камайди.

Мамлакатимизда касалликларнинг олдини олиш ва турли профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларнинг аниқ мақсадли ва самарали ташкил этилиши натижасида кўплаб юқумли касалликларнинг камайишига ва бартараф этилишига эришилди.

Соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган давлат сиёсати чора-тадбирлари туфайли оналар ва болалалар ўлими даражасининг барқарор пасайишига эришилди.

Мустақиллик йилларида чақалоқлар ўлимининг умумий коэффициенти 1990 йилдаги 34,6 промиллдан 2013 йилда 9,8 промиллгача, оналар ўлимининг умумий коэффициенти 65,3 промиллдан 20,0 промиллгача камайди.

Аҳоли умр кўришининг кутилаётган узайиш кўрсаткичи 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2013 йилда 73,4 ёшгача, шу жумладан эркакларда 71,1 ёшгача, аёлларда 75,8 ёшгача ошди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланиши йилларида таълим учун давлат бюджети харажатлари 1990 йилдаги 17,9 фоиздан 2013 йилда 34,2 фоизгача ортди, соғлиқни сақлаш учун 9,6 фоиздан 14,4 фоизгача ошди. Ҳар йили ижтимоий эҳтиёжлар учун, шу жумладан ижтимоий соҳа муассасаларининг молиявий таъминотини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш учун Давлат бюджети барча харажатларининг тахминан 60 фоизи йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойилларига изчил амал қилиниши мустақиллик йилларида иқтисодиётимизни барқарор ривожланишини таъминлади. Бу таррақиет йўлимиз жаҳон ҳамжамияти орасида ривожланишнинг «ўзбек модели» дея эътироф этилди. Шу билан бирга, ушбу танланган йўл тарихан қисқа мудтада мамлакатимиз иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартиришга, унинг рақобатбардошлигини оширишга, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаб, аҳоли фаровонлигини ошишига сабаб бўлди.